
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ “ҚЎҚОН” ТЕХНОПАРКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁННИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда Қўқон шаҳрида бўлиб, “Қўқон” технопаркини ташкил этиш билан боғлиқ жараённи кўздан кечирди.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида берилган топшириқлар асосида Қўқонда махсус саноат зонаси –Технопарк ташкил этилмоқда. Унда 1 млрд. долларлик лойиҳаларни бошлаш, камида 10 мингта юқори даромадли иш ўрни яратиш режа қилинган. Унинг умумий майдони 230 гектар. Айти кунларда мазкур технопаркнинг ерини тайёрлаш ишларига киришиляпти.

Вилоят ҳокими томонидан Қўқон шаҳар секторлари раҳбарларига Технопарк бош режасини ишлаб чиқишни тезлаштириш, ер майдонларини тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий масалалар бўйича топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-10 17:42:54